

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 39 (585) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

ИСЛОХОТЛАР — ҚИШЛОҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, қишлоқ ҳужалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида 20-21 сентябрь кунлари Фарғона вилоятида бўлди. Шу кунларда мамлакатимиз пахта майдонларида йигим-терим ишлари қизгин паллага кирган. Юртимизнинг улкан пахта хирмони бунёд этилишига Фарғона вилояти деҳқонлари ҳам салмоқли ҳисса қўлади. Жорий йилда 323 минг тонна пахта етказиб беришга бел боғлаган вилоят миқдоридаги пахта кўрғашлари шунчаки кўп. Пахта кўрғашлари шунчаки кўп, пахта кўрғашлари шунчаки кўп, пахта кўрғашлари шунчаки кўп.

Ҳақида амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари, хусусан, Фарғонада пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашди. Мулоқот чоғида фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари нафақат мамлакатимиз вилоятлари, балки Фарғона вилоятининг туманларида ҳам ер ва иқлим шaroити фарқлигига эътиборни қаратди. Хусусан, Марказий Фарғона ерлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу эса ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган фермерлардан алоҳида билим ва тажриба талаб қилади.

Бахтиёр Тўхлиев раҳбарлик қилаётган «Шерзодбек» фермер ҳужалиги ҳам мана шу ҳудудда жойлашган. 59 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер 30 гектарда «С-65-24» навли ғўза парваришлаб, биринчи теримдаёқ қабул пунктига 75 тонна хомашё топширди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бутун фермердан, умуман, деҳқондан нафақат экин экиш ва уни парваришлаш, аниқ чоғда етиштирилган ҳосилни сотиш ҳамда даромад олишнинг пухта ҳисоб-китобини юритадиган даражада замонавий фикрлаш ҳам талаб этилади. Бунинг учун чигит экишда нав танлай билиш, қанақа толаннинг жажон бозорида хариддорлигини ўрганиш, бошқача айтганда, бозор конюктурасини билиш лозим.

Ислам Каримов шaroити нисбатан мураккабкор ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга қўшимча имкониятлар яратиб бериш лозимлигини таъкидлади.

— Бу боқимандалик кайфиятини юзга келтирмасмикин, деган савол туғилиши мумкин, — деди Юрбошимиз. — Бундай бўлмади. Чунки одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарган. Иқтисодий манфаатдорлик соғлом рақобат бор жойда бундай кайфият ҳукмронлик қилмайдми. Фақат фермерларнинг шaroитини атрофича ўрганиш, шунга қараб имтиёзлар бериш керак.

Юрбошимиз Фарғона туманининг Бобур номидаги ширкат ҳужалиги ҳудудига Фозилжон Элчибеёв раҳбарлик қилаётган фермер ҳужалиги далаларида бўлди. Деҳқон ва механизаторлар билан бўлган суҳбатда давлатимиз раҳбари қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш зарурлигини қайд этди. Бу масалаларга фермерлар ҳам алоҳида масъулият билан ёндашиб, қўлгина хайрли ишлар қилиши мумкинлигини таъкидлади.

— Инсон нафақат пул топишни, балки маблагини оқилона сарфлашни ҳам билиши керак, — деди Президентимиз. — Дабдабали тўй-томосшалар қилиб, қўша-қўша машинаю, қават-қават уй-жой қуришга пулини аямаятган тadbиркор фермерлар ҳам йўқ эмас. Албатта, булар яхши, ҳалқимиз турмуши фаровонлигидан далолат беради. Лекин ҳамма нарса меъёрида бўлган майшўл. Топилган маблаг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қишлоққа саноатни олиб киришга сарфланса, бундан тadbиркор ҳам, бошқалар ҳам кўпроқ фойда қўра-

ди. Чунки, фермер бойиса — юрт бой бўлади.

Президентимиз шу ерда теримчи қизлар билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш шaroити билан қизиқди. Теримчилар хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ аёлларини ҳар томонлама қўлаб-қўватлаш борасидаги гамхўрлик ва изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар у-ун Юрбошимизга миннатдорлик билдиришди.

Қуваасой шахридаги «Қарор» акциядорлик жамияти мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга корхона. Давлатимиз раҳбари мазкур жамият ва унинг ҳузурида фаолият юритаётган «Алэста глас» шўба корхонаси фаолияти билан танишди. Уч мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада замонавий технологияга асосланган янги линия ишга туширилган, махсуслашган чикариш сифати ва самарадорлиги тўбдан ўзгарди. Йилга 140 миллион дона, 60 турдаги шаффоф ва рангли шиша идиш ишлаб чиқараётган корхонада қурилиш соҳасида ишлатиладиган ойналар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона махсуслашган нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Президент Ислам Каримов юртимизда «Алэста глас» каби замонавий саноат корхоналарини қўлатириш лозимлигини таъкидлади. Янги корхоналар ва янги иш ўринларининг очилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг, энг муҳими — ҳалқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

Вохид ЛУКМОНОВ,
Масъуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

“ТОШКЕНТ-ТОЛА”: ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2005 йили Тошкентда илк бор ўтказилган халқаро пахта ярмаркаси юртимиз пахта махсуслотини сотиш ва уни қайта ишловчиларга воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб беришни эркинлаштириш, харидор мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш имконини бергани алоҳида таъкидланган эди.

2005 йилнинг 10-11 октябры кунлари ўтган ярмаркада йигирмадан ортқ мамлакатдан келган икки юздан зиёд компания ва фирма вакиллари иштирок этди. Улар билан 1,5 миллион тоннага яқин пахта толасини етказиб бериш бўйича 120 дан ортқ шартнома имзоланди. Микронейр ва сифат кўрсаткичлари жаҳон андозасига тўла жавоб берадиган толанимизнинг асосий қисми Россия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Бангладеш, Бирлашган Араб Амириклари, Сингапур каби давлатларга сотилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнда эълон қилинган «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан жойларда йигирмата ҳудудий пахта терминали ташкил этилди. Поштахтиимизнинг Сергели туманида жойлашган «Тошкент-тола» ҳудудий пахта терминали — уларнинг бири.

— Корхонамиз Тошкент вилоятининг ўн иккита пахта тозалаш заводи

ҳамда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари толасини муайян қисмини «Ўзмарказим-пэкс», «Ўзпромашимпэкс», «Ўзин-теримпэкс» давлат ташқи савдо акциядорлик компаниялари билан тузилган шартномалар асосида ички ва ташқи истеъмолчиларга етказиб бермоқда, — дейди «Тошкент-тола» ҳудудий пахта терминали бош директори ўринбосари Баҳром Абдуллаев. — Терминалимизга қарашли етти омборда 35 минг тоннадан кўпроқ тола сақланади.

Корхонада 17-18 октябры кунлари Тошкентда ўтажак Ўзбекистон иккинчи халқаро пахта ярмаркасига пухта тайёрларлик қўрилди. Жўмладан, бешта ёпиқ омборхона таъмирланди. Хорижий харидорларга янада қулайлик яратиш мақсадида махсус компьютер дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур орқали ўзбек пахта толасига оид барча кўрсаткичлар билан тез танишиш мумкин.

Пахта хомашёси етиштиришда дунёда олтинчи, экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда турадиган мамлакатимизда бундай ҳудудий терминалларнинг фаолият олиб бораётгани ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотиқ муносабатларини замон талаблари асосида ўтказиш имконини берапти. Масалан, илгари классёрлар чекка пахта тозалаш заводлари толасидан намуна олиш учун юзлаб километр йўл босишга, ортқча вақт ва маблаг ўқотишга мажбур бўларди.

Эндиликда бундай муаммоларга чек қўйилди. Ҳудудий пахта терминаллари тармоғи, бирлашган транспорт-экспедиторлик ва ахборот ти-

зимлари фаолияти халқаро стандартларга тўла мосланди. Натижада пахта толасини сотиш ва экспортга жўнаштириш механизми аввалги йиллардагига нисбатан анча соддалашди. Бундан ташқари, ҳудудий пахта терминаллари замонавий транспорт воситалари билан таъминланди. Мисол учун «Тошкент-тола» ҳудудий терминалида хомашёни юклаш ва ташкил ишлари «Hyster», «Hespa» автоюкларчилири ҳамда 24 тоннага юк олиш қувватига эга «Мерседес-бенц» автобездлари ёрдамида амалга оширилмоқда. Мазкур терминалга темир йўл линияси — Сергели станциясининг яқинлиги бу борадаги ишларни анча осонлаштирапти.

Тола олди-сотиқсига оид ҳужжатлар шу ерда расмийлаштирилади. Бунинг учун етарлича шaroит воситалари билан таъминланди. Мисол нazorати пунктлари ва Ўзбекистон «Сифат» марказининг лабораторияси харидорлар хизматида. Экспортга жўнатилиётган пахта толаси ҳақидаги барча маълумотлар шу қуни тезкорлик билан ташқи савдо компаниясига юборилади. Бундай қулайликлардан харидорлар мамнун.

«Тошкент-тола» терминали 2004 йили харидорларнинг 76 минг тоннадан кўпроқ толасини етказиб берган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 110 минг тоннани ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, бунда Ўзбекистон биринчи халқаро пахта ярмаркасида тузилган шартномалар салмоқли ўрин тутди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Пахта — 2006

ЯНГИ ҲОСИЛ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Тошкент вилояти қишлоқ ва сув ҳужалиги бошқармаси маълумотларига қўра, бу йил вилоят пахтакорлари 108 минг гектардан зиёд майдонда мўл ҳосил етиштирди. Айни кунларда далаларда пахта йигим-терими қизгин паллага кирди.

Ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йигиб-териб олиш, уни қайта ишлаб харидорларга етказишда пахта тозалаш корхоналарининг алоҳида ўрни бор. Жорий йилда вилоятдаги 12 та ана шундай корхона 275 минг тонна пахта қабул қилиб олади.

— Мавсумга ҳар йилгидан қўра пухта тайёрларлик қўрилди, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш корхонаси раҳбари Рустам Шерматов. — Иккита тайёрлов пункти тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, пахта қабул қилиш майдонлари, тарозихона, лаборатория, транспорт воситалари мавсумга тўлиқ тайёрлаб қўйилди.

Бу йил тумандаги ўрта ширкат ҳамда 386 та фермер ҳужалиги билан 16 минг тоннадан зиёд пахта қабул қилиб олиш бўйича шартнома имзоланган. Ўтган мавсумда 17 минг тоннадан кўпроқ пахта қайта ишланиб, беш минг тоннадан ортқ тола экспорт қилинди.

Бу йил эса мавсум бошидан бери корхонада уч минг тоннага яқин хомашё қайта ишланди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТИНЧЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ер юзидидаги барча миллат ва эллар бирдек қадрлайдиган қадриятлар қўл. Уларнинг орасида тинчлик алоҳида ўрин тутди. Зеро, тонгларимиз оқсоқиллиги, кунларимиз серунамлиги, оқшомларимиз соқиллиги ана шу бебаҳо неъмат билан боғлиқ.

Шу боис 2001 йилнинг сентябры ойида БМТ бош ассамблеясида 21 сентябры — Халқаро тинчлик қуни сифатида белгиланган резолюция қабул қилинди.

Мамлакатимизда мазкур сана кенг нишонланди. Жорий йилда ушбу қўн «Спорт — тинчлик элчиси» мавзусида ўтди. Жойларда тинчлик-товуқлик, ўзаро баҳамжхатликни қадр-



Суратда қўриб турганингиз, чехрасидан қувноқлик балқиб турган қиз — Бухоро вилояти Когон тумани «Бўстон» ширкат ҳужалигидидаги энг илгор теримчилардан бири Нурзода Санаввадир. Қўнига 100 килограммдан ошариб пахта тераётган халқаро қиз барчага ибрат бўлибди.

С. ШАВКАТОВ олган сурат

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтиимизда Интернет технологияларида симсиз ва оптик толали тармоқларнинг янги авлодида бағишланган иккинчи халқаро конференция (IGI-2006) якунланди. Унда мамлакатимиздан ташқари Россия, Франция, Германия, АҚШ, Корея, Хитой, Сингапур, Малайзия каби давлатлардан етакчи илмий тadbиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Электроника ва радиоэлектроника муҳандислари халқаро институти (IEEE) ва Ахборотларни қайта ишлаш федерацияси (IFIP) ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мазкур соҳадаги амалий тажриба ва янги тadbиркорлар нати-

жалари ҳақида фикр алмашилди. Юртимизда ахборот коммуникация технологияларини жаҳон андозаси талаблари даражасида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди. Ана шундай йирик ва истиқболли лойиҳалардан бири сифатида Япониянинг хорижий халқаролик банки (JIBC) томонидан ажратилган кредит ҳисобига амалга оширилган лойиҳани келтириш мумкин.

Телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган ушбу лойиҳа мувофиқ Корақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги шаҳар телекоммуникация тармоқларида 14 минг 200 телефон рақами реконструкция қилинди. Қарши ва Фарғона шаҳарларида

шаҳарлараро автоматик телефон станциялар ўрнатилди.

Ўтган йилнинг август ойидан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Хитойнинг «Huawei Technologies» компанияси билан ҳамкорликда яна бир йирик истиқболли лойиҳани тadbиркорлиги қилишди. Мазкур лойиҳа доирасида Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги мавжуд телефон станциялари рақамли телефон станцияларига алмаштирилди.

Тошкентда ун қўн давом этган халқаро конференцияда Интернет технологияларида симсиз ва оптик толали тармоқларнинг янги авлодида бағишланган элликдан ортқ маъруза тингланди.

ЎЗА

Партия кўзгуси

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА БИРЛАМЧИ ОМИЛ



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари жойларда партия Низоми ва Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда самарали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Бу яхши самара бераётди. Шунинг учун ҳам партиянинг гоя ва мақсадларини қўлаб-қўватлайдиган, фаол ва ташаббускор аъзолар сони кўн сайин ортиб бормоқда. Кўнот туман партия Кенгаши фаоллари бу борада қўнчиликка ўрнатқ бўлишмоқда.

Суратда: «Адолат» СДП Кўнот туман Кенгаши котиби Хоснат Жабборовна партиянинг янги аъзоси — «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби Акрам Араловга партия билетини топширмоқда.

18-19 сентябры кунлари Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёси Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан партиянинг Фарғона вилояти Кенгаши ташкилотчилигида қатор оммавий-маърифий ва тарғибот тadbирлари ташкил этилди. Бу тadbирларда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутаты Ю.Нисонов, партия Сийёси Кенгаши котиби Р.Хайдаров, Фарғона вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Т.Мирзашарипов ва бошқалар иштирок этди.

Тadbирдан қўнланган асосий мақсад партиянинг мафкурaviй тамойиллари, дастурий гоялари билан аҳолини яқиндан таништириш, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг қанчаллик ривожлантириш орқали қишлоқ-маърифий ва тарғибот тadbирлари ташкил этилди. Бу тadbирларда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутаты Ю.Нисонов, партия Сийёси Кенгаши котиби Р.Хайдаров, Фарғона вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Т.Мирзашарипов ва бошқалар иштирок этди.

Учрашуларда таъкидландики, республикаимизда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳоли-

нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатишнинг изчил механизми яратилаётди. Бу борада аҳоли ҳаётининг турли жиҳатларини кенг қамраб олган давлат дастурлари муҳим дастурийлашма бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсиясиз ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофазалаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янада қучайтириш чора-тadbирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш, самарадорлигини қучайтиришда муҳим қадам бўлди.

Фарғона шахридаги маҳаллалар фаоллари, «Фарғона» заводи ишчи-хизматчилари билан бўлиб ўтган учрашулар айниқса самарали бўлди. Шу билан бирга, юбилей тўйига тайёргарлик қўраётган Марғилон шахрида ташкил қилинган тadbирлар ҳам қўнчиликда катта қизиқиш уйғотди. Учрашуларда партиянинг асосий дастурий гоялари кенг тарғиб қилинди, «Адолат» СДП фракциясининг қўнунчилик соҳасидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

ЎЗА мухбири

Сурхондарё вилоятидаги нуфузли билим масканларидан бири ҳисобланган Термиз тиббиёт коллежида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракция аъзолари, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари — Абдулла Абдуназаров ва Собир Турсуновлар билан учрашу бўлиб ўтди.

Учрашува Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг долзарблиги, юксак аҳамияти алоҳида таъкидланди.

— Мустақилликнинг дастлабки кўнларидан бошлаб маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб белгилан олсинди, бу борада кўн қўламли ишлар амалга оширилди, — деди жўмладан Олий Мажлис депутаты С.Турсунов. — Бу бежизга эмас, албатта. Негаки, мафкурaviй таҳдид, ахборот ҳужурлари қўнган бир пайтда аҳолининг кенг қатлами орасида маънавий-маъри-

фий ва тарғибот-ташвиқот ишларини самарали амалга ошириш нихотда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувада иштирок этган туман партия Кенгаши котиблари, Термиз шаҳар маҳалла фаоллари ва тиббиёт коллежи ўқитувчилари томонидан қизиқарли, фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тadbир барчада илқ таассурот қолдирди.

Т.МАҲМАДАТЎЕВ,
«Адолат» мухбири

Мамлакатимизда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ўтказиладиган турли тadbирлар қалби ўқсик инсонлар кўнглини тоғдек кўтармоқда. Бу хайрли ишдан республикаимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳам четда тургани йўқ.

Яқинда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари Қарши шахридаги Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, болажонларга ўқув қуроллари, совға-саломлар улашди.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёси Кенгаши Қаршидаги ушбу Меҳрибонлик уйини оталиққа олиб, доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди Қашқадарё вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Абдуқаҳҳор Аҳмедов. — Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ҳамда Қарши тиббиёт коллежи раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу учрашу орқали ёшлар партия фаолияти билан яқиндан танишмоқдалар.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари Нишон тумани ёшлари билан ҳам учрашди. Қўнли баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти сўз борди. Шунингдек, туман тиббиёт ҳодимлари билан ўтказилган давра суҳбатидида ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тиббиёт ҳодимлари уларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ш.СУЛТОНОВ,
«Адолат» мухбири

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ
МУАММОСИ
бугуннинг
гапи

ТУРИЗМ:
ИМКОНИЯТ БОР,
ДАРОМАД-ЧИ?
далил ва
таҳлил

РАМАЗОН -
МАРҒИРАТ ОЙИ

4

Юнонроҳ Маҳасаранонга зарур қўрсатмалар бериб, тўнгарши ташкилотчилари билан музокара олиб боришни буюргани ҳам хабарларда келтирилади.

Тўнгарши ишприокчилари жорий вазият вақтинчалик экани ва ҳокимият тез орада яна янги иш бошлашини таъкидлашмоқда. Айни вақтда миллий армиянинг муваққат ҳукумат руҳсатисиз ҳар қандай ҳаракатини амалга ошириши қатъий таъқиқлаб қўйилган. Бундан ташқари, маҳаллий телевидениенинг барча қўрсатувлари тўхтатилаган.

А.НАЗАРОВ

РАМАЗОН - МАҒФИРАТ ОЙИ

Рамазон ўн бир ойнинг султони, мағфират ойидир. Оллоҳ таоло ўз бандаларини энг кўп афғу мағфират қилган ойидир.

Муборак Рамазон ойининг рўзаси Ислам динининг беш шартидан бири бўлиб, Қуръони каримда: "Сизларга санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди", "Сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин" каби оятлар билан собит бўлган. Ҳадиси қудсийда Оллоҳ таоло: "Рўза мен учундир ва унинг мукофоти мени бераман", дейди.

Диннинг устуни намоз, жамият-ники закот бўлганидек, руҳники рўзадир. Шу боис, рўза руҳнинг озғич ва шифоси, қалбни очувчи энг муҳим омилидир. Шунингдек, рўзани сабрнинг яъни ҳам дейишди. Зеро, инсонлар рўза туфайли нафсларига ҳоким бўладилар.

Бу ойда Оллоҳ таоло бандалари дуоларини қабул қилади. Дарҳақиқат, ҳазрати пайгамбаримиз: "Рўзадорнинг дуоси мақбулдир", деганлар ва рўзадорларга, хусусан, ифтор вақти яқинлашганда кўп-кўп дуо қилишни тавсия этганлар.

Рамазон рўзасининг ҳикматларидан бири шундаки, Яратган инсонларга рўза тутиш воситасида жаҳаннамдан сақланишни амр этади, дўзахдан омон қолиш учун инсон нафсонини ҳою ҳавасларини жойлаштирилади. Шу жиҳатдан, Рамазон нафси тарбиялаш ойидир.

"Беш нарса рўзадор рўзасини худди овқат еб, рўзасини бузгани каби унинг савобини кетказди: ёлгон сузлаш, гийбат, чақимчилик қилиш, номаҳрамга шаҳват билан қараш ва ёлгонга қасам ичиш", дейдилар пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом. Демак, рўза тутган киши нафсига ҳоким бўлиши, ахлоқини поклаши, тилини тийиши лозим. Бу шартларга риоя қилган тақдирда, рўза унга эски гуноҳларини авф этиради, мағфиратга эриштиради.

Рамазон ҳар хил ибодатларни ўз ичига олган муборак таълим-тарбия ойидир. Бу ойда иродамизни қувватлантирамиз, вужудимизга йимонли ақлни султон қиламиз. Пайгамбаримиз: "Рамазон ойининг ажру баракотидан фойдалана олмаган инсон йўлдан озибди", демишлар. Шунинг учун, бу муборак ойда гайрат ва шижоат ила тоат-ибодат қилиш, Қуръони карим ўқиш, закот бериш, садақа қилиш, бева-бечора, етим-есирларнинг кўнглини олиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш керак. Зеро, Рамазон оч қолиш ойи эмас, балки очларни тўйгазиш ойи ҳамдир.

Бу шундай баракот ва хайр ойидирки, Оллоҳ таоло бу ойда ўз раҳматини нозил қилади, бандаларининг ҳатоларини, гуноҳларини авф этади, дуоларини қабул қилади. Бу ойда раҳмат эшиклари очилади, фаришталар бандалар-

нинг гуноҳлари кечилишини ис-таб тавба ва истиғфор айтадилар, инсонни йўлдан оздирувчи шайтонлар эса боғланади. Зеро, Пайгамбар алайҳиссалом: "Тонги рўзадор ҳолда қўтиб олган кишига осмон эшиклари очилади", деганлар. "Рўзадорнинг бутун аъзоси тасбеҳ айтади ва у ажр-мукофотга эришади. Қуёш ботгунга қадар қўқдаги мавжудотларнинг ҳаммаси, осмон аҳли рўзадор учун тавба ва истиғфор айтади", деганлар Пайгамбаримиз.

Рамазон рўзасини тутган, рўзанинг ҳаққини бериб, унинг тақдирига тажовуз этмаган ва рўзадор ҳолида сақланиши керак бўлган нарсалардан ўзини тийган одамнинг эски гуноҳлари авф этилар экан.

Рамазон ойининг охириги ўн кунда минг ойдан кўра хайрли бир кеча бор — Қадр кечаси. У ҳақда ҳадисларда ёзилган. Рамазондан кейин келадиган Шаввол ойида ҳам олти кун рўза тутган одам, бир йил рўза тутганининг савобини олади. Чунки китобларда изоҳланишича, Рамазон ойи ўттиз кун. Бу ойнинг ҳар бир кунига ўн баробар савоб берилади.

Келинг, улуг Парвардигоримиз бизга туҳфа этган бу муборак фурсатдан унумли фойдаланайлик. Муқаддас Рамазон барчамизга муборак бўлсин!

Н.ҲАСАНОВ

Мулоҳаза

БАХТ ФАҚАТ ВАТАНДАДИР



Биз киммиз, шу муқаддас замин — она Ватан учун нима қилдик? Бу саволлар, бир қараганда, кишига андак соддароқ туюлади. Бирок ҳаққон ақлдан асосида уларнинг на-қадар салмоқли, масъулиятли эканини англайсиз. Аслида ҳам дунёдаги барча ҳақиқатлар энг содда саволларга жавоб излаш баробарида тутилган. Чунки, инсон боласи киндик қони тўқилмиш Ватан қаршида муқаддас қарздор, деган ҳақиқат ҳам.

Лекин ҳамма замонларда ҳам ўз даври ҳақиқатларини англаш осон кечмаган. Бу жараёндаги сусткашликдан бугунги кунимиз ҳам мустасно эмас. Акс ҳолда, баъзи фуқароларимиздаги лоқайдлик, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқлик одатга айланиб, давлат ва жамоат мулкига нисбатан масъулиятсизларча муносабатда бўлиш, шахсий манфаатларни ҳамма нар-

садан устун қўйиш ҳолатлари кам-роқ учраб эди.

Мана сизга биргина мисол: дейлик, сув беҳудга оқиб ётибди. "Бу биз учун эртага ҳам керак-ку", деган фикр билан сув жумрагини бураб қўйиш ҳаммамизнинг ҳам қўлимиздан келавермайдик. Катта симёгондан ўғринча тортиб олинаётган электр токидан фойдаланиб, керак-но керак ерни машалалдек чарогон қилаётган, хусусий чойхонасини, тегишли идораларга маълумот беришни эса ивгогарлик деймиз. Ёки иссиқхона куриб олиб, табиий газдан ноқонуний фойдаланаётган кўшнингизни инсофга чақиритиш ўзимизга эл кўрмаймиз. Хўш, нега шундай?

Даставвал шунини олишимиз кераки, биз ҳануз кечани тузумдан мерос бўлиб қолган айрим ақидалардан воз кечолмаямиз. Инчи-

нун, баъзиларимизнинг қарашлари-мизда ҳамон "Бу меники эмас, давлатники" деган кайфият мавжуд. Дарвоқе, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: давлат ким, ўзи? Унинг инсонлар ҳаётидаги, қолаверса, турмуш тар-зимиздаги ўрни, мавқеи қандай? Давлат — сиз билан мен, сиз билан менинг манфаатларим уйғунлиги. Лекин собиқ шаро тузуми шароитида бундай қарашлар инкор этиларди. Оқибатда давлат билан халқ ўртасида девор пайдо бўлган эди. Фикримча, тарихнинг бу аччиқ ҳақиқати бизга сабоқ бўлиши керак. Ўрни келганда шунини ҳам айтиш ке-раки, кишиларнинг иймониди, виждониди ҳақиқий ватаний одоб, ахлоқ шаклланимас экан, эзу ниятларга эри-шиб бўлмайди.

Биз бугун ҳуқуқий демократик жамият сари одимлаяпмиз. Бундай жамиятда одамлар имкон қадар кам бошқарилади. Негаки, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган, қонунларга ҳур-мат ҳисси шаклланган кишини на-зорат қилишнинг ҳолати бўлмайди. Демак, мана шундай шароитда бар-камол шахс маънавияти шакллана-ди, одамлар ўз тақдирини давлат тақдирини, Ватан тақдирини деб били-шади. Аслида бу қарашлар шар-қона маънавиятнинг асосини таш-кил қилади. Фарзандларимизда мана шу ҳиссиётни тўғри тарбиялай оли-шимиз керак.

Машҳур алломалардан бири айт-ган экан: "Агар сиз бахт орқасидан қувиб қачондир унга етсангиз, қузой-нагини ахтарган камгир сингари бахт доим шундоққина бурнингиз остида турганини сезиб қоласиз". Демак, бизнинг асл бахтимиз ва бойлиги-миз жондан азиз Ватанимиз бағри-дадир. Шундай экан, Ватан равнақи йўлида саъй-ҳаракат кўрсатилик.

Марзия ЧОРИЕВА,
олий тоифали ўқитувчи

Тафаккур гулишани

Инсоният тафаккури бир бўстонки, унинг саҳнида унган гулу чечаклар ҳайратланарли дара-жада гўзал ва сархил. Биз, азиз газетхон, сизни Шарқу Гарбининг буюк алломалари, файласуф-лари, етук арбоблари, адиб ва санъаткорлари ҳаёти, ижоди билан қисқачгина таништириб, мумтоз асарларидан парчалар, ҳикматларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этиш ния-тида янги — "Тафаккур гулишани" руқнини очдик. Ниятимиз билим ва тасаввурингиз бойлишига ҳисса қўиш, сизни умуминсоний қадриятларга ошно қилишдир.

ЯХШИЛИК

ўзи учун қадрли
бўлган нарсаларни
сарф қилишдир

Буюк ватандошимиз Беруний 973 йил, 4 сентябрда Хоразмнинг Кот (айрим манбаларда Кийт) шаҳрига яқин жойда туғилган. Беруний олимнинг тахаллули, исми Мухаммад, отасининг исми Аҳмад бўлган.

"Ешлигимданок, — деб хатига қилади Беруний, — табиатимда билим олиш иштиёқи кучли эди. Юртимизга бир румлик келиб қолди. Мен унга ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва бошқа нарсаларни келтириб, унинг тилида (яъни, юнон тилида) бу нарсалар қандай аталганини сўраб, ёзиб олардим". Беруний арабчадан ташқари, форс, сурёний, юнон-грек тилларини, ёши қирқ бешдан ошганда хинд фани ва маданиятидан воқиф бўлиш учун қадимги хинд тили — санскритни ўрганади.

Алломанинг "Оқ кийинганлар ва қарматийлар тарихи", "Хоразмнинг машҳур кишилари", "Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўллари", "Турар жойлар орасидаги оралиқни белгилаш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш" ("Геодезия"), "Хиндистон", "Қимматбахо тошларни билиш ҳақида тўплам", ("Минералогия"), "Қонуни Масъудий", "Сайдана" асарлари табиий ва ижтимоий фанларнинг турли соҳаларига бағишланган ҳамда кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, нашр этилган.

Эътиборингизга буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний «Ҳикматлар»и-дан ҳавола этамиз.

Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсалар-га (кур-қурона) қаршилик кўрсатма.

Донишманд ва олимлар ҳуқуқларидан ўрнак олиш яхши ҳуқуқни тар-биялайди, ёмонни йўқ қилади.

Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

Билмаганлигимиз сабабли бил-ган нарсаларимизни айтмай қўйи-шимиз ҳам яхши эмас.

Ёлгончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради: зулм, ёлгон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар-нинг мулкларини хийла билан бо-

сиб олиш, ўғрилик, дунё ва халк-нинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон ҳуқуқларни кишига яхши қилиб кўрсатади.

Тенглик ҳукм сурган жойда сот-қин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради.

Басрада бир киши бўлган экан. У ҳар кунни уйдан чиқмоқчи бўлса, у-нинг энг яхши кийимини кийиб, чопқир уловини миниб, одамлар ҳождатини чиқаришга уринар экан. Нега бундай қилсан, деб сўрашган-да у шундай жавоб берибди: "Мен

энг яхши шарбатларни ичиб лаззат-ланганман. Ҳатто (бу шарбатни) энг зўр созанининг торлари чертилган ажойиб дамларда ҳам ичганман. Бирок бу хурсандчилигимнинг ҳам-маси ҳеч қачон мен бирор кишига яхшилик қилиб, унинг дўстлар ўрта-сида менга билдирган миннатдор-чилигидан олган хурсандчилигимга етмайди".

Яхши билмаган нарсасига урин-ган киши шарманда бўлади.

Севимли нарсаларга машаққат бил-ан, яхшиликка эса киши ўзи учун қадрли бўлган нарсаларни бошқа би-ровга сарф қилиш билан эришилади.

Абу ибн ал-Жаҳм шундай деган: — Яхши кишида мол-дунё бўлмас-лиги ор саналмайди. Бирок унда яхшиликка интилиш тўхтаса, бу уят саналади.

Бу куннинг тadbирини қўриб қўйгани сабабли эртанинг тadbири-га эҳтиёжи қолмаган киши ақли-дир (яъни, ул киши эртанинг тadbи-рини ҳам албатта қўража).

Мен шундай шараф кийимлари-ни қўлга кирита олдимки, уларнинг хотираси ва жозибаси, меннинг қол-дирган меросим каби келгуси за-монлар ва насллар оқими орқали давом этажак.

Спорт

АФСОНаВИЙ ОЛИМП ЎЙИНЛАРИ

Башариёт тарихида оламшумул кашфиётлар кўп. Архимед, Ибн Сино, Ньютон, Эйнштейн ва бошқа кўплаб буюк олимларнинг ажойиб назариялари, Миср эҳром-лари, Буюк Хитой девори, Эйфель нунароси... Булар-нинг барчаси инсоннинг юксак ақл-идроки билан яра-тилган. Чунки асрлар оша дўстлик, ҳалоллик, бега-разлик тимсоли бўлиб келадиган Олимпиада ўйинлари ҳам инсон тафаккури маҳсулидир.

Қадимги Юнонистон, антикдор, Олимп шаҳри Олим-пиада ўйинлари ватани ҳисобланади. У Пелопонесс ярим оролининг гарбий қисмида жойлашган. Замона-вий Олимпия ўйинлари машъади Алфей дарёси водий-сидаги Кронос тоғ ён бағирларига ёқилади. Шу ердан ўйинлар пойтахтига машъада эстафетаси бошланади.

Бугунги кунда энг нуфузли спорт мусобақасига айланган Олимпия ўйинлари ҳақида турли афсона-лар мавжуд. Улардан бирида таъкидланишича, худо Кронос ўғилларидан бири ўзини халок этишини ба-шшорат қилувчи қўрқинчи тушга ишониб, тутилган фарзандларини ютиб юбора бошлади. Унинг рафи-қаси Рея эса навбатдаги чақалого ўғринга йўргакка тош ўраб, бемехр отага беради, ўғлини эса чўпона топиради. Бола ўсиб-ўлғаяди ва чакмок ҳамда мо-мақалдор ҳудоси — қудратли Зевсга айланади. Зевс отаси билан жангда галаба қозонади, бу орқали ака-сингилларини қутқаради. Ушбу галаба шарафига Зевс спорт ўйинлари ўтказишни буюради ва бу му-собақа ўтказилган жой номи билан Олимпия ўйин-лари деб аталади.

Яна бошқа бир афсонада айтилишича, Олимп ўйин-ларини Зевсининг ўғли — Геракл ташкил қилган. Бу ўйинлар унинг энг шавкатли галабаларидан бирига бағишланган. Геракл ўз оёқлари қафти билан югуриш



масофасини белгиланган ва бу 600 оёқ қафти (192 метр 27 сантиметр)га турти келган. Қадимги Юнонистонда бу ўлчов "стадион" деб юритилган, шундан "стадион" сўзи келиб чиққан. Кўп йиллар давомида югуриш бўйича галиб айнаи шу масофада аниқланган.

Олимпия ўйинлари Зевсининг невараси Пелопс томони-дан ташкил қилинган деган гаплар ҳам бор. Пелопс Эно-майга ўн туртинчи қувв эди. Эномайнинг кизи Гипподамия Пелопс билан бирга Эномай араваси бошқарувчиси Мир-тилосни гилдирақларнинг бронзали ишлагичини муулмис-га алмаштириб қўйишга кўндиради. Пойга пайтида гилди-рақлар чиқиб кетади ва Эномай халок бўлади. Худоларга миннатдорчилик билдириб, Пелопс Олимпия ўйинларини таъсис этади, от арава пойгаси эса асосий мусобақага айланади. Кейинчалик ўйинларда Юнонистоннинг барча шаҳар-давлатлари қатнаша бошлади.

(Давоми келгуси сонда)
О.КАМОЛОВ тайёрлади

Футбол-тест

КИМ?
ҚАЧОН?
ҚАЕРДА?

1. Йилига энг кўп даромад ола-диган футболчини биласизми?

А) Рональдо
В) Роналдиньо
С) Шевченко
Д) Бекхэм

2. Қарши шаҳрининг аёллар фут-бол жамоасини топинг.

А) «Зенит»
В) «Анжижанка»
С) «Аланга»
Д) «Севинг»

3. Голландия миллий терма жа-моаси бош мураббийи...

А) Луис Арагонес
В) Гус Хиддинк
С) Хан Лапорта
Д) Марко ван Бастен

4. Илк жаҳон чемпионати қачон, қаерда бўлиб ўтган?

А) 1894 йил, Бразилияда
В) 1934 йил, Уругвайда
С) 1930 йил, Уругвайда
Д) 1926 йил, Англияда

Тахрирлар: Азиз газетхон. Сиз-нинг талаб ва истакларингизни ино-батга олган ҳолда газетамиз саҳи-фаларида бундан бун "Футбол-тест" саволларини мунтазам бериб бориш-ни ният қилдик. Ўйлаймизки, бу кўпчиликда катта қизиқиш уйғота-ди. Марҳамат, сиз ҳам ўз кўнглин-гизни синаб кўринг.

А.ОТАБОВ таржимаси.

Биласизми?

ФАҚАТ АЁЛЛАР УЧУН

Германияда фақат хотин-қизлар-га хизмат кўрсатадиган банк очил-ди. Транспорт хизмати соҳасида ҳам жинсий ажралиш яққол намоён бўлмоқда. Японияда бундан-да ажойиб: метрода аёллар ва эркеклар алоҳида вагонларга чиқишади. Ук-раинада эса шахарлараро қатновчи аёллар вагонлари пайдо бўлди.

Айни пайтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида фақат хотин-қиз хайдовчиларга хизмат кўрсатадиган автосервислар фаолият кўрсатмоқ-да. Буюк Британиядаги Йоркшир графлигида эса фақат аёллар иш-лашадиган махсус автосервис фао-лиятини бошлади.


15000 ТОННА ТАҚИНЧОҚ

Мутахассислар ҳиндистонлик аёлларнинг тилла тақинчоқларга бўлган қизиқиши тобора ошиб бо-раётганидан қаттиқ хавотирда...

Ҳиндистонликларнинг биллак-лари, оёқлари ва бурунларида, қулқо-ларида бугунги кунда 15 минг тон-на олтин безаклар тақилган. Боз устига, унчалик бой бўлмаган бу мамлакат халқи ҳар йили 600 тон-на тилла тақинчоқлар сотиб ол-моқда. Ҳиндистоннинг ўзида эса бир йилда атиги 900 тонна олтин ишлаб чиқарилади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳақдан зиёд кўп байрам ва маро-симлар, 25 кунлик тўй ирим-сирим-лари ва умуман мамлакатдаги қадим-ий урф-одатлар бир кун келиб аҳолини хонавтар қилиши мум-кин. Шунинг учун одамлар айрим урф-одатлардан воз кечиш лозим.

Ҳажвий ҳикоя

Антонио АМУРРИ
(Италия)

Менинг бир қари тоғам бор, у ҳар йил тутилган куним, албатта, менга эллик лира совға қилади. Агар шу тоғам бўлмаса, мен ҳаётимда ана шун-дай дабдабали кун борлигини бил-маган бўлардим, тутилган куним ҳам одатдаги кунлардай билинмаганина ўтиб кетаверарди. Аксинча, тоғам, мана неча йилдан бери атай, менинг ётоқхонамга кириб, елкамни қоқди, ўзининг бу амалидан мамнун жи-майиб, хозиргина олган нафақаси-дан ажратган, бели синмаган янги элликтиликни узатади. Шундан сўнг оила аъзоларининг ҳаммасига эшита-диган қилиб ўзининг "совғасини" бичини бўлиб берганини жар сола-ди. Бу қолганларга туртки беради.

МЕНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИМ

осиглик шимимга кўл чўзиб, чўнтаги-даги чарм ҳамёнини олмоқчи бўла-рганман, қизалоғимнинг кўзлари яшнаб кетадик.

— Мана, дадажон, — дейди Рober-то чакқонлик билан ҳамёнини олиб очиб менга узатаркан. Унга "конфет оласан", дея ҳамёндан минг лира олиб узатишдан ўзга чора қолмайдик.

Орадан сал вақт ўтар-ўтмас яна иккитаси қиради. Бу "делегация"нинг бошида хотиним тургани, болаларни қўчаннинг нариги томонидаги гул дўко-нига чоптириб, саккиз донча чиннигул келтириб, олдимга кирипти юборгани сир эмас. Бундайин сўлгин ва кўрим-сиз гулдастани умримда кўрган эмас-ман. Бирок уни менга жигаргўшала-рим, азиз болақонларим тақдим қила-ётир, шунинг учун ҳам бунди дунёдаги энг гўзал гулдаста оқсатди қабул қила-ман. Ахир, муҳими совға эмас, инсон-га эътибор-ку. Мана "совға" ҳам, "эътибор" ҳам тап-тайёр.

Болалар қувлик билан қўзимга қара-шади: "Конфет оласанлар", деб уларга уч минг лира узатаман.

Ана шундан сўнг хотин кириб ке-лади.

— Дадажониси, табриклайман. Оёгингизни размери нечанчи эди, деб сўрайди у.

— Э, бекор оввора бўлибсан, таш-вишланиб нима қилардинг. Менга совға керакмас, ўзинг биласан-ку, — дейман.

— Йўқ, йўқ, Мен сизга арзийдиган

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгазининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Тахрир ҳайъати

Дилором
ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХЎҲАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Собиер ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир

Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:

700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —
133-40-86
136-53-14

Факс —
133-40-86

Котибият —
136-55-96

Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —

136-55-64

Хатлар бўлими —

136-55-64

Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —

136-54-39

Иқтисодиёт ва саноат
бўлими —

</